Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 228 (6089).

22 НОЯБРЬ СЕШАНБА 1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхознинг Х. Ҳожимирзаев бошлиқ бригадаси аъзолари юбилей йилида 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олдилар. Ҳозир бу бригада даласида кузги-қишки ишлар кучайтирилган. Айниқса шудгорлашни сифатли ўтказиш учун зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Суратда: бригадир Х. Ҳожимирзаев шудгор сифатини кўздан кечирмоқда.

О. Қозоқбоев фотоси.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари юбилей йили учун ўз зиммаларига олган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, СССР янги Конституциясининг қабул қилиниши туфайли сиёсий активлик ғоят ўсган бир вазиятда маҳсулотни реализация қилиш январь-ноябрь ойлари планини муддатидан илгари, 21 ноябрь куни бажардилар.

Кўмир ва нефть қазиб чиқариш, электр энергия ҳосил қилиш, пахта териш машиналари, трактор прицеплари, пахта толаси, шойи газлама, пайпоқ, ички ва устки трикотаж, мол ёғи, сутга айлантириб ҳисоблаганда қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан 1977 йил январь-ноябрь ойлари плани ошириб бажарилди.

Тошкент области саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан бошланган социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, маҳсулот реализация қилиш ва кўпгина буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1977 йилнинг 11 ойлик планини муддатидан олдин 21 ноябрда шараф билан адо этдилар.

Область саноатчилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ноябрь ойи охирига ча11 ойлик планга қўшимча равишда камида 133 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун курашмоқдалар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари иш сифати ва самарадорлигини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, КПСС Марказий Комитети май ва октябрь (1977 йил) Пленумлари тарихий қарорлари, СССР янги Конституциясидан руҳланиб, давлатга пахта, ғалла, каноп пояси, мева, сабзавот, пилла, жун топшириш юзасидан Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига зиммага олинган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Шунингдек, давлатга гўшт ва сут сотиш йиллик ҳажми ҳам муддатидан илгари бажарилди. Ҳосилни йиғиб олиш ва давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш бўйича зиммага олинган социалистик мажбуриятларни ўтган йилдагига қараганда анча тез суръатлар билан бажарилиши 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар комплексини анча эрта муддатларда бошлаб юбориш имкониятини берди. Чорва қишловига яхши тайёргарлик кўриш учун ҳам шароит яратилди.

Кўпгина районлар ва колхоз ҳамда совхозлар кузги бошоқли дон экинлари ва сабзавот экишни, шудгорлашни, боғ ва токзорлардаги ишларни юқори суръатлар билан бошлаб юборди.

Партия ташкилотлари, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхозлар ва совхозлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1977 йил 28 октябрдаги «Ромитон район партия комитетининг 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш юзасидан белгилаган тадбирлари» тўғрисидаги қарорини кенг муҳокама қилдилар. Бу қарорга асосан кузги дон, сабзавот экиш ишларини, шудгорлашни яқин кунлар ичида тугаллаш, техника ремонтини кучайтириш, янги ерларни ўзлаштириш, эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларни текислаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш сингари ишларни кучайтиришга қаратилган амалий тадбирларни белгилаб чиқдилар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз правлениеси, партия комитетининг 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини қисқа муддатларда уюшқоқлик билан ва сифатли ўтказиш юзасидаги иш тажрибаси диққатга сазовордир. Бу тажрибани кенг оммалаштириш зарур.

Лекин шу билан бирга область партия комитети айрим районлар, колхозлар ва совхозларда кузги-қишки ишларни ўтказиш календар графикларидан орқада қолаётганлигини қайд қилиб ўтди.

Оҳангарон, Бекобод, Пискент районларида шудгорлаш суст бормоқда. Ҳайдов тракторларининг бекор туриб қолиш ҳоллари учрамоқда, иш унуми паст. Бир қатор хўжаликларда шудгорлашдан олдин ерга минерал ва маҳаллий ўғит солиб кетилмаяпти. Ер ҳайдаш сифати устидан етарли назорат ўрнатилмаган.

Оққўрғон, Бекобод, Калинин, Оржоникидзе, Чиноз ва Янгийўл районларида эса кузги бошоқли дон экинлари экиш муддатлари чўзиб юборилаётир.

Умуман олганда область бўйича хўжаликлараро ва хўжаликлардаги коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ўтган йилдагига қараганда анча орқада қолаётир. «Ташводстрой», «Ташмелиоводстрой» трестлари ва Чиноз МЭС коллектор-дренаж тармоқлари ва ариқ зовурларни тозалаш ишларига экскаваторлар етказиб бериш топширигини бажармади. Гидротехника иншоотлари ва насос агрегатларини ремонт қилиш ишлари ҳам яхши ташкил этилмаган.

Ўзбекистон КП область комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1977 йил 28 октябрдаги «Ромитон район партия комитетининг 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтда ва сифатли ўтказиш бўйича белгилаган тадбирлари» тўғрисидаги қарорини раҳбарлик учун қабул қилди.

Область партия комитети, Ўрта Чирчиқ райсиндаги Охунбобоев номли колхоз правлениеси ва партия комитетининг 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш бўйича белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига мазкур колхоз тадбирларини колхозчилар, совхоз ишчилари, район қишлоқ хўжалик ташкилотлари коллективлари ўртасида кенг муҳокама этишни ва 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар сўрғатини ошириш, белгиланган тадбирларни бажарилиши ва ишни сифатли олиб борилишини назорат қилишни топширди.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трести «Узсельхозтехника»нинг область бирлашмасида, уларнинг жойлардаги органларига районлар, колхозлар ва совхозларга эҳтиёж учун зарур миқдордаги минерал ўғитлар, гербицидлар, ўсимликларни ҳимоя қилишда ишлатиладиган кимёвий дорилар, 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар комплексини ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказиш учун керак бўладиган запас қисмлар ва бошқа моддий техника воситаларини ўз вақтида етказиб бериш ишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш топширилди.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, область суғориш бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз», «Ташводстрой», «Ташмелиоводстрой», «Паркентводстрой» трестлари, Чиноз МЭС, «Узсельхозтехника» область бирлашмаси янги ерларни ўзлаштириш ва уларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, капитал текислаш, эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқлари, коллектор-зовурларни тозалаш, гидротехника иншоотлари, насос агрегатларини ремонт қилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш юзасидан амалий тадбирларни жорий этишлари лозим. Ҳар бир колхоз ва совхозда хўжаликнинг куч ва маблағи ҳисобига янги ерларни ўзлаштириш юзасидан қўшимча резервларни қидириб топиш зарур.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси «Ташсадвинсовхоз» трестига, область пилла чилик бошқармасига хўжаликларни етарли миқдордаги мевали дарахт, узум, тут кўчатлари билан таъминлаш ва янги боғ ва токзорлар барпо этиш юзасидан қилинаётган ишлар сўрғатини кучайтириш, сийрак бўлиб қолган боғларга қўшимча кўчатлар, тут дарахтлари кўчати ўтказиш ишларини кучайтириш топширилди.

Карта ўрталарига тушиб қолган якка ҳолдаги тут дарахтларини йўқотиш зарур. Катта магистрал йўл чеккаларига бир текис қилиб кўчат экиш ҳисобига тут плантацияларини кенгайтириш лозим.

Бу тадбирларни бажаришда куз даври учун белгиланган иш ҳажмини максимал амалга оширилишига эришиш лозим. Область, район газеталари редакциялари, область телевидениеси ва радио эшитириш бош редакцияларига, область районлари, колхозлари ва совхозларида 1978 йил ҳосили учун белгиланган кузги-қишки тадбирлар комплекси қандай бажарилаётганлигини узлуксиз ёритиб бориш топширилди.

КЕЛГУСИ ЙИЛ МЎЛ ҲОСИЛИГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ ПРАВЛЕНИЕСИ ВА ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ 1978 ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН КУЗГИ-ҚИШКИ ТАДБИРЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари социалистик мусобақасига актив қўшилиб, КПСС Марказий Комитети май ва октябрь (1977 йил) Пленумлари қарорлари, СССР янги Конституциясидан руҳланиб, давлатга пахта, ғалла, каноп пояси, мева, сабзавот, пилла, жун топшириш юзасидан Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига зиммага олинган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Шунингдек, давлатга гўшт ва сут сотиш йиллик ҳажми ҳам муддатидан илгари бажарилди. Ҳосилни йиғиб олиш ва давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш бўйича зиммага олинган социалистик мажбуриятларини ўтган йилдагига қараганда анча тез суръатлар билан бажарилиши 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар комплексини анча эрта муддатларда бошлаб юбориш имкониятини берди. Чорва қишловига яхши тайёргарлик кўриш учун ҳам шароит яратилди.

Кўпгина районлар ва колхоз ҳамда совхозлар кузги бошоқли дон экинлари ва сабзавот экишни, шудгорлашни, боғ ва токзорлардаги ишларни юқори суръатлар билан бошлаб юборди.

Партия ташкилотлари, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхозлар ва совхозлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1977 йил 28 октябрдаги «Ромитон район партия комитетининг 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш юзасидан белгилаган тадбирлари» тўғрисидаги қарорини кенг муҳокама қилдилар. Бу қарорга асосан кузги дон, сабзавот экиш ишларини, шудгорлашни яқин кунлар ичида тугаллаш, техника ремонтини кучайтириш, янги ерларни ўзлаштириш, эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларни текислаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш сингари ишларни кучайтиришга қаратилган амалий тадбирларни белгилаб чиқдилар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз правлениеси, партия комитетининг 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини қисқа муддатларда уюшқоқлик билан ва сифатли ўтказиш юзасидаги иш тажрибаси диққатга сазовордир. Бу тажрибани кенг оммалаштириш зарур.

Лекин шу билан бирга область партия комитети айрим районлар, колхозлар ва совхозларда кузги-қишки ишларни ўтказиш календар графикларидан орқада қолаётганлигини қайд қилиб ўтди.

Оҳангарон, Бекобод, Пискент районларида шудгорлаш суст бормоқда. Ҳайдов тракторларининг бекор туриб қолиш ҳоллари учрамоқда, иш унуми паст. Бир қатор хўжаликларда шудгорлашдан олдин ерга минерал ва маҳаллий ўғит солиб кетилмаяпти. Ер ҳайдаш сифати устидан етарли назорат ўрнатилмаган.

Оққўрғон, Бекобод, Калинин, Оржоникидзе, Чиноз ва Янгийўл районларида эса кузги бошоқли дон экинлари экиш муддатлари чўзиб юборилаётир.

Умуман олганда область бўйича хўжаликлараро ва хўжаликлардаги коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ўтган йилдагига қараганда анча орқада қолаётир. «Ташводстрой», «Ташмелиоводстрой» трестлари ва Чиноз МЭС коллектор-дренаж тармоқлари ва ариқ зовурларни тозалаш ишларига экскаваторлар етказиб бериш топширигини бажармади. Гидротехника иншоотлари ва насос агрегатларини ремонт қилиш ишлари ҳам яхши ташкил этилмаган.

Ўзбекистон КП область комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1977 йил 28 октябрдаги «Ромитон район партия комитетининг 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш бўйича белгилаган тадбирлари» тўғрисидаги қарорини раҳбарлик учун қабул қилди.

Область партия комитети, Ўрта Чирчиқ райсиндаги Охунбобоев номли колхоз правлениеси ва партия комитетининг 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш бўйича белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига мазкур колхоз тадбирларини колхозчилар, совхоз ишчилари, район қишлоқ хўжалик ташкилотлари коллективлари ўртасида кенг муҳокама этишни ва 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар сўрғатини ошириш, белгиланган тадбирларни бажарилиши ва ишни сифатли олиб борилишини назорат қилишни топширди.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трести «Узсельхозтехника»нинг область бирлашмасида, уларнинг жойлардаги органларига районлар, колхозлар ва совхозларга эҳтиёж учун зарур миқдордаги минерал ўғитлар, гербицидлар, ўсимликларни ҳимоя қилишда ишлатиладиган кимёвий дорилар, 1978 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар комплексини ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказиш учун керак бўладиган запас қисмлар ва бошқа моддий техника воситаларини ўз вақтида етказиб бериш ишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш топширилди.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, область суғориш бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз», «Ташводстрой», «Ташмелиоводстрой», «Паркентводстрой» трестлари, Чиноз МЭС, «Узсельхозтехника» область бирлашмаси янги ерларни ўзлаштириш ва уларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, капитал текислаш, эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқлари, коллектор-зовурларни тозалаш, гидротехника иншоотлари, насос агрегатларини ремонт қилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш юзасидан амалий тадбирларни жорий этишлари лозим. Ҳар бир колхоз ва совхозда хўжаликнинг куч ва маблағи ҳисобига янги ерларни ўзлаштириш юзасидан қўшимча резервларни қидириб топиш зарур.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси «Ташсадвинсовхоз» трестига, область пилла чилик бошқармасига хўжаликларни етарли миқдордаги мевали дарахт, узум, тут кўчатлари билан таъминлаш ва янги боғ ва токзорлар барпо этиш юзасидан қилинаётган ишлар сўрғатини кучайтириш, сийрак бўлиб қолган боғларга қўшимча кўчатлар, тут дарахтлари кўчати ўтказиш ишларини кучайтириш топширилди.

Карта ўрталарига тушиб қолган якка ҳолдаги тут дарахтларини йўқотиш зарур. Катта магистрал йўл чеккаларига бир текис қилиб кўчат экиш ҳисобига тут плантацияларини кенгайтириш лозим.

Бу тадбирларни бажаришда куз даври учун белгиланган иш ҳажмини максимал амалга оширилишига эришиш лозим. Область, район газеталари редакциялари, область телевидениеси ва радио эшитириш бош редакцияларига, область районлари, колхозлари ва совхозларида 1978 йил ҳосили учун белгиланган кузги-қишки тадбирлар комплекси қандай бажарилаётганлигини узлуксиз ёритиб бориш топширилди.

Область суғориш бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз», «Ташводстрой», «Ташмелиоводстрой», «Паркентводстрой» трестлари, Чиноз МЭС, «Узсельхозтехника» область бирлашмаси янги ерларни ўзлаштириш ва уларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, капитал текислаш, эскидан ҳайдалиб келинаётган ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқлари, коллектор-зовурларни тозалаш, гидротехника иншоотлари, насос агрегатларини ремонт қилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш юзасидан амалий тадбирларни жорий этишлари лозим. Ҳар бир колхоз ва совхозда хўжаликнинг куч ва маблағи ҳисобига янги ерларни ўзлаштириш юзасидан қўшимча резервларни қидириб топиш зарур.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси «Ташсадвинсовхоз» трестига, область пилла чилик бошқармасига хўжаликларни етарли миқдордаги мевали дарахт, узум, тут кўчатлари билан таъминлаш ва янги боғ ва токзорлар барпо этиш юзасидан қилинаётган ишлар сўрғатини кучайтириш, сийрак бўлиб қолган боғларга қўшимча кўчатлар, тут дарахтлари кўчати ўтказиш ишларини кучайтириш топширилди.

Карта ўрталарига тушиб қолган якка ҳолдаги тут дарахтларини йўқотиш зарур. Катта магистрал йўл чеккаларига бир текис қилиб кўчат экиш ҳисобига тут плантацияларини кенгайтириш лозим.

Бу тадбирларни бажаришда куз даври учун белгиланган иш ҳажмини максимал амалга оширилишига эришиш лозим. Область, район газеталари редакциялари, область телевидениеси ва радио эшитириш бош редакцияларига, область районлари, колхозлари ва совхозларида 1978 йил ҳосили учун белгиланган кузги-қишки тадбирлар комплекси қандай бажарилаётганлигини узлуксиз ёритиб бориш топширилди.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси,

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМНИНГ СИЁСИЙ СИСТЕМАСИ

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «СОВЕТ ЖАМИЯТИ СИЁСИЙ СИСТЕМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ» НОМЛИ КИТОБИ НАШР ЭТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

СССРда барпо этилган ривожланган социализм — узлуксиз тараққий этиб бораётган жамиятдир. Унинг моддий-техника базасида, иқтисодий ва социал-сиёсий муносабатларида, одамларнинг турмуш тарзида, уларнинг фаровонлик ва маданият савиясида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Ривожланишимизнинг узлуксизлиги, тўхтовсизлиги, планлилиги — социалистик тузумнинг буюк афзалликларидир. СССРда таркиб топган сиёсий системанинг, ундаги барча элементлар — Советлар, меҳнаткашларнинг оммавий уюшмалари, унинг раҳбар ва раҳнамо ўзаги бўлмиш ленинчи коммунистлар партиясининг фаолияти туфайли социализмнинг ана шу афзалликлари, унинг битмас-туганмас имкониятлари юзага чиқмоқда.

«Социалистик қурилишнинг олтмиш йиллиги,—деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев «Улуғ Октябрь ва инсоннят тараққиёти» деган докладида,—жамиятга сиёсий раҳбарликни ўз қўлига олган, мамлакат тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олган меҳнат аҳли нималарга қодир эканлигини кўрсатувчи энг ёрқин намунадир. Мана шу ўн йиллар меҳнаткашлар ҳокимияти бўлмаса, социалистик давлатчилик бўлмаса, мана шуларсиз социализмга олиб борадиган йўл бўлмаслиги ва йўқлигини исботлаб берди».

Шу жиҳатдан олганда, сўнгги 10-15 йилнинг тарихий тажрибаси принципиал жиҳатдан муҳимдир. Ривожланган социализм сиёсий системасини янада такомиллаштиришнинг ҳаётнинг ўзи ўртага қўйган ва маркса-ленинча фан асосида ижодий идрок қилинган проблемалари, шу проблемаларни ҳал этиш соҳасида КПСС қилаётган тинимсиз ижодий иш жараёни ва натижалари, янги назарий хулосалар ва партия билан халқ амалий фаолияти учун берилган йўл-йўриқлар — ана шуларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқлари, мақолалари ва табрикномалари тўпламида* ўз ифодасини топган. 1964 йилнинг ноябридан 1977 йилнинг октябригача бўлган даврни ўз ичига олган шу китобнинг нашр этилиши — партия, мамлакатнинг ғоявий-сиёсий ҳаётида катта воқеадир.

1.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг бутун фаолияти ижодий марксизм-ленинизмга садоқат, унинг илмий принципларига таяниш, омманинг практикаси, тарихий ижодиёти келтириб чиқараётган янги проблемаларни ўртага қўйишга ва ҳал этишга дадил, новаторларча ёндашиш руҳи билан суғорилган. Совет жамиятининг сиёсий системасини ривожлантириш масалалари партия томонидан ҳал этилишида ҳам бу ҳислатлар тўла-тўкис намоён бўлди, китобнинг мазмуни шундан яққол далолат бериб турибди.

Ривожланган социализм босқичида олдимизда турган ҳамда ўз қўлами ва аҳамияти жиҳатидан мислсиз, чинакам тарихий бўлган проблемаларни ҳал этиш учун бутун совет халқининг кучғайрати ва иродасини жипслаштириш, социалистик демократияни доимо такомиллаштириш, омманинг юксак уюшқоқлиги зарур эди. Коммунизм сари бораётган жамиятга раҳбарлик қилиш вазифаси, дейди ўртоқ Л. И. Брежнев, «ўйғун равишда ва бир текис ривожланиш учун унинг замиридаги имкониятларни максимал равишда рўёбга чиқаришдан иборатдир. Хўш, бу вазифани ҳал қилиш калити нимадан иборат? Бу калит — жамият сиёсий системасининг тўғри иш юритишида ва аввало Коммунистик партиянинг фан маълумотларига ҳамда бой амалий тажрибага таянувчи кўп қиррали фаолиятидир» (161-бет).

Қаттиқ синовларда ўзининг мустаҳкамлигини ва ҳаётий кучини исботлаган Совет давлати бу системанинг асосий бўғинидир. Пролетариат диктатураси давлати сифатида вужудга келган Совет давлати жамиятимизда рўй берган чуқур социал-иқтисодий ўзгартишлар натижасида умумхалқ давлати бўлиб қолди. Бу давлат жамият барча табақаларининг манфаатларини ифодалайди, экономика ривожи, фан ва маданият тараққиётини бутун халқ фаровонлигига хизмат қилдиради. Совет халқи, унинг барча табақалари социал-сиёсий ва ғоявий бирлигининг юксак даражасига эришилди, тарихда биринчи марта миллатлар ва элатларнинг ҳақиқий тенглиги таъминланда, «жамики ижтимоий муносабатларни социализм жон-танига хос бўлган коллективчилик негизларида қайта қуриш ниҳоясига етказилмоқда» (468-бет). Шу билан бирга жамиятда ва давлатда иқтисодий ҳаётдаги энг асосий позицияларни эгаллаб турган ҳамда унинг ривожига ҳал қилувчи ҳисса қўшаётган, жуда катта социал-сиёсий тажрибани марказлаштирган энг уюшқоқ синф бўлмиш ишчилар синфининг етакчилик роли сақланиб қолмоқда. Эндиликда совет жамиятининг барча социал группалари ишчилар синфининг ғоявий-сиёсий позицияларига ўтди.

Умумхалқ давлати бўлиб қолган Совет давлати объектив шарт-шароитларга биноан ўзининг синфий моҳиятини йўқотмаётир: у эндиликда ишчилар синфининг жаҳоншумул-тарихий вазифасини — синфсиз коммунистик жамият қуриш вазифасини охиригача амалга оширишнинг қудратли қуроли бўлиб хизмат қилмоқда. Совет халқининг, уни ташкил этувчи барча синфлар ва социал группаларнинг, миллатлар ва элатларнинг ривожланган социализм шароитидаги давлатҳуқуқ асосларини белгилаб берувчи СССРнинг янги Конституциясида айни шу вазифа ишчилар синфи фаолиятининг олий мақсади сифатида мустаҳкамлаб берилди.

Совет давлатининг ва унинг барча органларининг—экономикани бошқариш аппаратидан тортиб жамиятнинг муваффақиятли ишлаши ва ривожланишини, улутвор, тарихан новаторликдан иборат социал-иқтисодий ва маданий-тарбиявий вазифалар самарали ҳал этилишини, революцион ғалабалар ҳимоя этилишини ва совет кишилари бунёдкорлик меҳнати учун тинч шароитлар яратиб берилишини, мустаҳкам ҳуқуқ-тартиботни таъминлайдиган Қуролли Кучлар ва қонунни ҳимоя қилувчи муассасаларгача бўлган барча органларининг қудрати—уларнинг ўзи учунгина аҳамиятли бўлган бир нарса эмас. Бу қудрат аввало гражданларнинг онглилиги ва уюшқоқлиги билан, меҳнаткашларнинг ва улар уюшмаларининг социал активлиги билан белгиланади. Ленининг социалистик давлат омманинг онглилиги билан кучли эканлиги тўғрисида айтган ва партия ишчилик билан амалга ошириб келаётган кўрсатмаси шу кунларда ҳам ўз актуаллигини тўла сақлаб қолмоқда.

Бу ғоя китобдаги асосий ғояларнинг биридир. «Демократия, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев, — биз учун шунчаки бир неъмат эмас, балки бутун фаолиятимизнинг ҳаётий зарур шартидир...» (61-бет). Совет умумхалқ давлатини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, унинг аппаратидаги барча бўғинлар ишини яхшилаш, унинг ваколатли органлари роли ва масъулиятини ошириш, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида социалистик қонунчиликка ҳеч оғишмай риоя этилишини таъминлаш, тобора кўпроқ гражданларни шу вазифалар ҳал этилишида қатнашишга, давлат, ҳўжалик ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини бошқаришга жалб этиш — ана шулар Совет давлатчилигини янада ривожлантиришнинг бош йўналишларидир.

Модомики, демократияни ҳар тарафлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўли партиянинг совет сиёсий системасини ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини белгилаб берар экан, китобда демократияни амалга оширишнинг конкрет проблемаларига катта ўрин берилган.

Жамиятимизнинг бу соҳадаги муваффақиятлари ҳаммага маълум. Ҳозир Советларнинг ишида, халқ контроли органлари, жамоат ташкилотлари ишида, ишлаб чиқаришни бошқаришда ва шу кабн соҳаларда миллионмиллион совет гражданлари қатнашмоқдалар. Айни вақтда «бизнинг мақсадимиз, — деб ёзган эди В. И. Ленин,— ҳар бир меҳнаткашнинг ишлаб чиқариш ишида 8 соатлик «топшириқ»ни ўтаб бўлганидан кейин давлат ишларини бепул бажарувидир...» (Асарлар, 27-том, 278-бет). Бу буюк вазифа ривожланган социалистик жамият зиммасига тушади ва совет сиёсий системаси ривожининг айни шу босқичида ҳал этилиши лозим.

Партия ишининг бу соҳадаги изчиллиги, собитқадамлиги, унинг социалистик демократияни янада такомиллаштириш йўлидаги куч-ғайратларини бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлиги эўр куч билан олиб борилаётган назарий фаолият ва янги тарихий тажрибани умумлаштириш давомида топилган, илмий асосланган новаторлик ечимлари ҳеч сўзсиз амалга оширилишининг ишончли гарови бўлиб хизмат қилади. Шу тариқа халқ ижодкорлигининг янги резервлари, меҳнаткашлар оммаси бунёдкорлик куч-ғайратининг янги манбалари ишга солиб юборилади, жамиятимизнинг коммунизм сари ҳаракати тезлашади.

2

Етук социалистик жамиятни ривожлантириш ва унинг олдида турган вазифаларнинг комплекс характерли эканлиги унинг сиёсий ташкилоти соҳасига ҳам таъсир қилади, бу ташкилотни такомиллаштириш проблемаларига ҳам тааллуқли бўлади. Масалан, Совет давлатининг хўжалик вазифасини иқтисодий стратегиянинг партия томонидан белгилаб берилишидан ёки шу вазифанинг бевосита давлат қарамогида бўлмаган ташкилотлар, чунончи, колхозлар ва кооперативлар, касаба союзлари ҳамда меҳнаткашларнинг бошқа оммавий уюшмалари, меҳнат коллективлари томонидан амалга оширилишидан алоҳида бир нарса деб бўладими ахир! Ана шундай «структурали мураккаблашув» ёнига «функционал» мураккаблашув ҳам қўшилади: ривожланган социализм босқичидаги мазкур хўжалик вазифаси социал, сиёсий, маданий,ғоявий-тарбиявий вазифаларни ҳал этишдан ажралган ҳолда тўғри амалга оширилиши мумкин эмас.

Шунга биноан совет сиёсий системасининг айрим вазифалари ва элементлари хусусида китобда таърифлаб берилган қондалар мазмунининг илмий чуқурлигини, конкретлилигини муносиб баҳолаш мумкин бўлади. Чунончи ўртоқ Л. И. Брежнев ҳозирги босқичда СССР экономикасини ривожлантириш проблемаларини — ишлаб чиқариш самарадорлигини ва бутун иш сифатини ошириш, иқтисод ва тежамкорликни кучайтириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва шу каби масалаларни таҳлил этиб, хўжаликни бошқаришни такомиллаштириш ва халқнинг меҳнат ғайратини юксалтириш вазифасини энг муҳим вазифа қилиб қўяди. Булар — аксарият сиёсий характердаги вазифалардир. КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил сентябрь Пленумидаёқ у, масалан бундай деб таъкидлаган эди: «Марказлаштиришни маҳаллий органларнинг ҳуқуқлари, ташаббускорлиги ва масъулияти билан тўғри боғлаб олиб бориш тўғрисидаги масала принципиал масаладир, катта сиёсат масаласидир» (19-бет).

Китобда хўжалик фаолиятини, айниқса социалистик мусобақани авж олдириш, илғор тажрибани оммалаштириш, онгли интизомни мустаҳкамлаш, барча меҳнат коллективларида яхши маънавий иқлимни вужудга келтириш, кадрларни тарбиялаш соҳасида ташкилий ва ғоявий-тарбиявий фаолият билан қўшиб олиб бориш вазифалари ҳам сиёсий жиҳатдан ана шундай кескин қилиб қўйилган.

Оммани меҳнат-ғайратини ва ижтимоий-сиёсий активлигини ҳар томонлама юксалтиришнинг хилма-хил проблемалари китобда катта ўрин олган.

Ўртоқ Л. И. Брежнев меҳнат фаолиятини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, давлат-ҳуқуқий ёки маъмурий тадбирлар тўғрисида, партиянинг, жамоат ташкилотларининг ташкилотчилик иши ҳақида гапирганида ҳамма ўринда шу проблемаларнинг, ифодали қилиб айтганда, «инсоний» жиҳатини алоҳида бўрттириб кўрсатади. Масалан, унинг СССР касаба союзлари XVI съездида айтган қуйидаги сўзлари диққатга сазовордир: «Ишчи инсон ўз овозига қулоқ солиғаётганлигини, унинг фикри инобатга олинаётганлигини, социал ва хўжалик планларини ишлаб чиқиш пайтида унинг позицияси ҳақиқатан ҳам ҳисобга олинаётганлигини билиб турган жойларда, фақат шу жойлардагина у ўзини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий хўжайини деб, ўз тақдирининг хўжайини деб ҳис этади. Сиёсий вазифалар билан ишлаб чиқариш вазифалари шу тариқа бир-бири билан чатишиб кетади» (408-бет). Иқтисодий тараққиёт талаблари социалистик демократияни янада такомиллаштириш билан, совет турмуш тарзининг инсонпарварлик йўналиши билан айни шу тарзда боғланади.

Социалистик ижтимоий тузумнинг ҳақиқий демократизми ва инсонпарварлиги совет сиёсий системасининг барча бўғинлари — халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ,шунингдек жамиятнинг ўз-ўзини бошқарувчи ўзига хос ячейкаси бўлмиш колхозлар фаолиятида юзага чиқмоқда. Бу система китобда батафсил ва ҳар томонлама таҳлил этилган. Партиянинг ривожланган социалистик жамият сиёсий системасини такомиллаштириш назарияси ва практикаси соҳасида кейинги йилларда айниқса сезила бошлаган жуда катта иши натижалари ғоят диққатга сазовордир. Янги Совет Конституциясининг тайёрланиши ва қабул этилиши, КПСС Марказий Комитети ҳужжатларида, Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларида баён этилган назарий хулосалар бу ишнинг якуни бўлди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига Ҳисоботидаги, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь ва 1977 йил май Пленумларида, СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида қилган докладларидаги, шунингдек КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисида 1977 йил 2 ноябрь куни «Улуғ Октябрь ва инсоннят тараққиёти» мавзуида қилган докладидаги хулосалар алоҳида эътиборни ўзига тортади.

Советлар ва уларнинг депутатлари тўғрисида кейинги йилларда қабул қилинган бир қанча қонунларнинг ташаббускори, давлатимиз янги Асосий Қонунини ишлаб чиқишнинг илҳомчиси, ташкилотчиси ва бевосита иштирокчиси бўлган Ўртоқ Л. И. Брежнев Советларнинг давлатимиз сиёсий негизи сифатидаги ролига ҳақли равишда юксак баҳо беради, бу роли ҳар томонлама ва конкрет анализ қилиб беради. Турли йилларда сўзланган нутқларда ишчиллик билан ўтказиб келинаётган ягона йўлнинг моҳияти КПСС XXIII съездидаёқ ифодалаб берилган эди. Ушанда: «Советлар фаолияти уларни янада демократлаштириш негизида яхшиланиши лозим» (35-бет), «Советлар фаолиятидаги муваффақият кўп жиҳатдан уларнинг ишига кенг халқ оммасини жалб қилиш билан белгиланади» (36-бет) деган қондалар таърифланган эди. СССР Олий Совети Президиумининг 1977 йил 17 июндаги мажлисида таърифлаб берилган «ҳар қандай Советимиз олий ҳокимиятнинг бир қисми, Советлар ўз компетенциясига киритилган ҳамма масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлишдан ташқари умумдавлат қарорларини ўтказувчи бўғин сифатида ҳам иш кўради» (437-бет) деган хулоса ғоят муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Китобда давлат аппарати фаолиятини яхшилаш, бошқариш маданиятини ошириш масалалари батафсил таҳлил этилган, ҳали ҳам давом этиб келаётган камчиликларни, ландшафтлиги, масъулиятдан қочишга интилишни, расмиятчилик ва бюрократизмни, маҳкамачилик ва маҳаллийчиликни бартараф этиш зарурлиги қайд этилган.

Китобда Совет жамияти сиёсий системасининг элементлари бўлмиш халқ контроли органларининг, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг активлигини ошириш вазифалари давлат органларининг ишини яхшилаш проблемалари билан узвий равишда боғлиқ бўлган бир варса деб таърифланган, уларнинг социалистик мусобақани ва меҳнаткашлар социал ижодкорлигининг бошқа формаларини ривожлантиришдаги, интизомни мустаҳкамлашдаги, совет турмуш тарзи турли жиҳатларини такомиллаштиришдаги, янги инсонни тарбиялашдаги роли уқтириб ўтилган.

Партия тўплам мазмуни қамраб олган бутун давр мобайнида жуда катта ташкилотчилик ишини амалга оширадиган, КПССнинг илмий асосланган сиёсатини ўтказадиган бошқарув кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга доимо катта аҳамият бериб келди. Ана шу масалаларни ҳал этишда ишчилар синфининг етакчилик ролини таъминлаш ва кучайтиришга доимо эътибор жалб қилиниши диққатга сазовордир. Ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деб таъкидлади: «...Бизда партия, Советлар ва хўжалик органлари раҳбар ходимлари кадрларининг сафларини ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар орасидан етишиб чиққан энг яхши кишилар ҳисобига, ёшларимизнинг амалий ишларда ўзини яхши кўрсатган энг қобилиятли вакиллари ҳисобига кенгайтириш учун ҳозир жуда катта имкониятлар бор. Ишчилар синфининг энг актив ва етук намояндаларини раҳбарлик ишига кўтариб қўйиш муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳозирги совет ишчиси сиёсий жиҳатдан жамиятимизнинг энг илғор синфигина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ўзининг маданий савияси жиҳатидан ҳам аслида инженер-техника меҳнати ходимларига яқинлашиб қолаётганлиги учун ҳам эндиликда бундай қилиниши оқилона иш бўлади» (86—87-бетлар).

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларида сиёсий система барча бўғинлари ишини яхшилашнинг қабул этилган қарорлар ижросини контрол қилиш ва текшириш, кенг миқёсдаги амалий танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятига партия раҳбарлиги самарадорлигини ошириш сингари воситаларини анализ қилиш катта ўрин олади.

Партия мавзуи — унинг ривожланган социализм сиёсий системасининг раҳбар ва раҳнамо ўзаги сифатидаги роли, бу ролнинг жамиятимиз олга ҳаракат қилган сайин, у ҳал этадиган вазифаларнинг кўлами ва мураккаблиги ошган сайин ўсиб бориши мавзуи бутун китобда ўз ифодасини топган. «Партия раҳбарлигининг моҳияти — деб таъкидланади китобда, — бутун жамиятнинг бузилмас ғоявий-сиёсий бирлигини таъминлашдан, жамият организмини ташкил этувчи барча қисмларни аниқ мақсадни кўзлаб, мувофиқлаштириб ривожлантиришни таъминлашдан иборат. Бизда мамлакатимизда мавжуд бўлган синфлар ва социал группаларнинг, барча миллатлар ва элатларнинг, ҳамма авлодларнинг манфаатлари ва хусусиятларини ҳисобга олиб борадиган, ўз сиёсатида ана шу манфаатларни бирга қўшиб олиб борадиган Коммунистик партиядан бошқа сиёсий ташкилот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Партия қундалик иккир-чиккир ишларнинг майда жилғалари ягона қудратли оқимга бир маромда қуйила бериши тўғрисида гамхўрлик қилади» (84-бет).

Китобнинг мазмуни айни ленинчи коммунистлар партияси доимо социалистик демократияни янада такомиллаштиришнинг ташаббускори ва суянган тоғи бўлиб чиқанлигини яққол кўрсатади.

3

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг тўпламга киритилган нутқлари, докладлари, мақолалари, табрикномаларида социалистик демократиянинг бунёдкорлик кучи ёрқин ва чуқур илмий анализ қилинган. Социалистик демократия халқнинг битмас-туганмас ижодий ғайрат-шижоатини рўёбга чиқаради ва сафарбар қилади ҳамда коммунистик қурилиш жараёнида совет кишиларининг ташаббуси, талант ва қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Етук социалистик жамият сиёсий системаси тараққиёти проблемаларининг яна бир катта комплекси ана шу анализ билан чамбарчас боғланган. Бу катта комплекс ижтимоий онгни шакллантириш, омманинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёт идеология ва ахлоқнинг таъсири билан муросасиз кураш жараёнларини, Совет Иттифоқининг жаҳон миқёсидаги роли ва обрў-эътибори ўсиб бораётганлигини ўз ичига олади.

Китобда жуда яққол кўрсатиб берилганидек, социалистик демократия аниқ синфий мазмунга эгадир, у халқ демократиясидир ва шу боисдан социалистик демократия тобора кўп гражданларнинг мустақил ва актив равишда уюштирилган фаолияти билан амалга оширилади.

Социализм ижтимоий меҳнатни коммунистик негизда ташкил этишнинг биринчи қадамидир. Ленининг ижтимоий меҳнатни коммунистик негизда ташкил этиш меҳнаткашларнинг эркин ва онгли интизомига таянади ва бундан буён ҳам кўпроқ таянаверади, деб берган йўл-йўриғи жамиятимизга тобора чуқур сингиб бормоқда. Бутун ижтимоий онгни янги даражага кўтариш вазифалари—масъулият ва ижтимоий бурчни юксак даражада ҳис этган янги кишини, совет қонунларига, социалистик демократия талаблари, жамиятда яшаш қондаларига риоя қилишни ўз одати деб билган кишини камол топтириш вазифалари ривожланган социализмнинг олга қараб қилаётган ҳаракатида тобора катта аҳамият касб этади.

Партия шу хилдаги жуда кўп проблемалари янгича ўртага қўйди. Бу проблемалар янги Конституция лойиҳасини ,унинг ижодий ғояларини умумхалқ муҳокамаси жараёнида ҳамманинг эътиборини ўзига жалб этди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида гражданларнинг ҳуқуқлари билан бурчларининг чамбарчас бирлиги ҳақида, социалистик қонунчиликнинг самарадорлиги ва совет қонунларининг обрў-эътиборини янада ошириш тўғрисида, демократияни амалга оширишнинг, жамиятимиздаги барча гражданларнинг социал-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда сиёсий эркинларини энг яхши таъминлашнинг зарур шарт-шароитлари бўлган интизом ва мустаҳкам ижтимоий тартиб тўғрисида чиқарилган ва илмий жиҳатдан асослаб берилган хулосалар меҳнаткашларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушади. Бу хулосалар якдиллик билан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди.

СССР янги Асосий Қонуни ғояларининг ижодий, бунёдкорлик потенциалини ҳар бир совет кишисига маълум қилиш зарур эканлиги муносабати билан партиямизнинг барча ташкилотлари олдида, хусусан, идеология соҳасида иш олиб борувчи кадрлар олдида катта вазифалар турибди. «Биз, — дейилади китобда, — СССР гражданларининг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, уларни амалга ошириш йўллари ва методларини яхши билиб олишларини, бу ҳуқуқ ва эркинликларни коммунизм қурилиши манфаатлари йўлида қўллана билишлари, уларнинг ўз гражданлик бурчларини ҳалол бажаришлари билан чамбарчас боғланганлигини равшан тушуниб олишларини истаймиз. Бунга кўмаклашиш, ҳар бир граждандa юксак сиёсий маданиятни таркиб топтиришга ёрдам бериш —меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун жавобгар бўлган партия, давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим вазифасидир» (476 — 477-бетлар).

Сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни ўстириш, эркин ва онгли ижтимоий интизомни мустаҳкамлаш, ўтмишнинг барча сарқитларига қарши курашни кучайтириш — буларнинг ҳаммаси узоқ муддатга мўлжалланган вазифалар бўлиб, эўр ғайрат билан иш олиб боришни талаб этади. Аммо партия ҳар қандай қийинчилик олдида ҳам бўш келмагиз, бу қийинчиликларни бартараф қилмоқ учун куч ва ғайратингизни аямангиз, деб таълим бермоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев 1977 йил 2 ноябрда ўтказилган юбилей мажлисида коммунизм сари олга ҳаракат қилиб бориш истиқболлари ҳақида гапириб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Совет кишиларининг онглилик даражаси, маданияти, гражданлик масъулияти турмушнинг ҳамма соҳалари учун ва жамиятимизни ривожлантириш учун тобора катта роль ўйнайверади. Ҳар бир кишини юксак ижтимоий мақсадларга интиладиган, ғоявий эътиқодли, меҳнатга чинакам ижодий муносабатда бўладиган қилиб тарбиялаш энг муҳим вазифаларнинг биридир. Коммунизм учун курашнинг жуда муҳим фронти мана шу йўлдан ўтади. Иқтисодий қурилишнинг бориши ҳам, мамлакатнинг социал-сиёсий ривожланиши ҳам шу фронтдаги ғалабаларимизга тобора кўпроқ боғлиқ бўлаверади».

Ҳозирги ғалабаларимиз кўп жиҳатдан социалистик шароитида шахснинг тарихан янги типи—совет кишиси таркиб топганлиги натижасидир. Совет кишиси ғоявий эътиқодни ва буюк ҳаётий ғайрат-шижоат, маданият, билимни ва уларни татбиқ этиш маҳоратини ўзида мужассамлаштирган ватанпарвар ва интернационалистдир.

Китобда КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсатига доир масалалар, умуман ривожланган социализм сиёсий системаси проблемалари юзасидан, демократия, интизом, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, инсон билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалалари юзасидан буржуа ва ревизионистик идеологияга қарши курашнинг асосий йўналишлари ҳамда конкрет вазифалари кенг ёритилганлиги ҳам сиёсий ва дунёқараш нуқтаназаридан жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу проблемаларнинг чуқур илмий, принципиал тарзда қўйилганлиги ва ҳал этилганлиги ички сиёсат билан ташқи сиёсат чамбарчас боғланганлиги тўғрисидаги ленинча кўрсатмалар тўғри эканлигини яна бир марта яққол тасдиқлайди, ҳар қандай ниқобдаги антикоммунистлар ва антисовет чиларнинг жамиятимизга қилаётган туҳматларини ишонарли рад этади, етук социализмнинг чинакам демократизми ва гуманизмини янада тўлароқ очиб беради.

* * *

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет жамияти сиёсий системасини ривожлантириш масалалари» номли китоби КПССнинг назарий фаолияти унинг ички ва ташқи сиёсати самарали эканлигини намойиш қилади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг асарларида партиямизнинг халққа яқинлиги, ишчиларнинг, барча меҳнаткашларнинг туб манфаатлари ва орзу-тилакларига яқинлиги алоҳида куч билан ифода этилган. Китоб катта ижодий асар бўлиб, партияни ва совет халқини ғоявий қуроллантиришга муҳим ҳисса қўшади. Бу асар етук социалистик жамият сиёсий системасини ривожлантиришнинг келажакдаги мақсадлари ва асосий йўналишларини кўрсатади, марксча-ленинча назарияни янада бойитиш соҳасида ҳам, коммунизм қурилиши практикасида ҳам ҳаёт илгари сураётган янги проблемаларни ҳал этишга, КПСС XXV съезди қўйган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

(«ПРАВДА», 18 ноябрь).

* Л. И. Брежнев. Совет жамияти сиёсий системасини ривожлантириш масалалари. Москва, Сиёсий адабиёт нашриёти, 1977, 488-бет.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ГАВАНА. Бу ерда келгуси йили бўладиган студент ва ёшларнинг XI Жаҳон фестивалига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Суратда: Гавананинг умумий кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДАГИ ЁШЛАР ҲАЁТИДАН

СОФИЯ. Бу ерда совет фани ва маданияти уйида «Ленин комсомоли — тажриба ва илҳом манбаи» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция Димитровчи Коммунистик ёшлар союзи София шаҳар комитети томонидан ташкил этилди. Конференцияда пойтахт ёшларининг вакиллари ва Москва шаҳар комсомол ташкилотидан келган меҳмонлар иштирок этди.

* * *

БЕРЛИН. Лейпцигда «БАМ — комсомолнинг энг йирик қурилиши» темасида виставка очилди. Виставка ГДР ёшларининг Лейпцигда ўтказилаётган илмий-техникавий ижоди ютуқларининг 20-юбилей кўриги доирасида ўтмоқда. Бу ерга совет йигит ва қизларининг магистралдаги зарбдор меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи 500 дан ортиқ турли экспонатлар, фотосуратлар ва ҳужжатлар қўйилган.

* * *

БУХАРЕСТ. Бухарестдаги ва бошқа шаҳарлардаги университетлар медицина—фармакология факультетларининг уч мингга яқин битирувчиси бу йил Руминия врачлари сафига қўшилади. Энди республикада олий медицина маълумоти бўлган мутахассислар ўттиз беш ярим мингдан ошиб кетди.

* * *

ПХЕНЬЯН. Бу ерда Корея Социалистик меҳнаткаш ёшлар союзи Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда болалар ва ёшларга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги иш тажрибалари якунланди ва таҳлил қилинди. Пленум қарорига мувофиқ союзнинг барча ташкилотлари ва аъзолари ёшларнинг билим даражаларини оширишга, шунингдек ишчи ёшларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитиш системасини яхшилашга алоҳида эътибор беришлари керак.

(ТАСС).

АРАБЛАРНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ ПОЙМОЛ ЭТИЛМОҚДА

ЛОНДОН.

Исроил бош министри Бегин Британиянинг Би-Би-Си радиоэшиттириш компанияси мухбири билан суҳбатда айтдики, агар Миср президенти Садат Қуддусга (Исроил босқинчилари босиб олган, — редакция изоҳи) келса, уни бу ерда «шодиёна кутиб олишади». Шу билан бирга у таъкидладики, Исроил босиб олинган араб территорияларидан чиқиб кетиш тўғрисида ва Фаластин давлатини барпо этиш ҳақида бирон-бир музокара олиб бориш ниятида эмас. Садатнинг Исроилга таклиф қилинганлиги билан Яқин Шарқ хусусидаги Женева конференциясининг мутлақо алоқаси йўқ, деди Бегин.

ДАМАШҚ.

Миср президенти билан Сурия президенти ўртасида музокаралар тамом бўлганидан кейин бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Садат бундай деди: «Сурия президенти менинг Исроилга бориш тўғрисидаги қароримни маъқуллламаётган бўлишига қарамай, мен барибир у ерга бориб, Исроил Кнессетида сўзга чиқаман». У Миср билан Сурия ўртасида «катта ихтилофлар» мавжудлигини тан олди.

БАЙРУТ.

Байрут матбуоти Садат Дамашқ аэропортида «совуқ кутиб олинганлиги»ни ҳамда Сурия — Миср музокаралари чоғида ҳукм сурган «ҳавотирланиш ва шубҳаланиш» вазиятини қайд этади.

Газеталар эътиборни шунга жалб этадики, Садат музокаралар олиб бориш учун Дамашққа аслида ҳамроҳлик қилувчи расмий шахсларсиз келди, бу эса унинг музокараларни гувоҳларсиз олиб боришга интилишини билдиради.

Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати энг катта ташкилотларидан бири — Фатҳ ташкилотининг вакили президент Садатнинг Исроилга қиладиган визити муносабати билан бундай деди: «бу қадам араблларнинг ҳоҳиш-иродаси, хусусан Миср халқининг ҳоҳиш-иродаси поймол этилаётганлигидан далолат беради».

ҚУВАЙТ.

Қувайтда чиқадиган «Алҳадаф» газетаси қуйидагиларни ёзади: Миср президентининг босиб олинган Қуддусга бориб, у ерда Исроил парламенти аъзолари хузурида сўзга чиқиш нияти катта хавф туғдиради. Садатнинг хатти-ҳаракатини курашаётган араб халқига зимдан урилган зарба, деб баҳо бериш мумкин, холос.

Исроил босиб олинган араб территорияларидаги туб аҳолига қарши жабр-зулм сиёсатини кучайтираётган, Ливан жанубида ва фаластинлик қочоқларнинг лагерларида одамларни кўплаб ўлдираётган бир пайтда Садат шундай сафар қилаётганлигини газета таъкидлаб ўтади.

БАҒДОД

Ироқда чиқадиган «Тарик аш-шааб» газетаси Садатнинг қарорини фаластинлик араб халқининг миллий манфаатлари ва ҳуқуқларини хатарли суратда назар-писанд қилмаслик деб баҳолайди. Бу қадам, деб таъкидлайди газета, Миср раҳбарлари империализм ва сионизмга ён босишдан иборат шармандали сиёсатни эўр бериб давом эттираётганлигидан далолат беради. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УНВОН МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ва «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА:

Абдурасулова Сахобат — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Абдураҳмонова Бувниса — Бўстонлиқ районидаги «Қизилту» колхози аъзоси.

Абдураҳмонова Равзахон — Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Абдураҳмонова Ҳанифа — Бўка райони, уй бекаси.

Алазова Рашиноз — Бўка районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Олдиёрова Гулсун — Қўйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Алибоева Ўғилой — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Алматова Нури — Бекобод шаҳри, уй бекаси.

Омонова Шаҳодат — Пискент районидаги Тельман номли колхоз аъзоси.

Ортиқова Орзи — Оржоникидзе райони, уй бекаси.

Бекирова Сиясар — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

Бўронова Хамира — Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси.

Дадабоева Меҳринисо — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Жумаев Рисолат — Бўка райони, уй бекаси.

Жаматова Тошбуви — Пискент райони, ишчи.

Замитова Фотима — Бўстонлиқ райони, уй бекаси.

Ибодова Турсуной — Оҳангарон райони, уй бекаси.

Ибрагимова Турғунбуш — Бўка райони, уй бекаси.

Ирисбоева Ишорат — Бўстонлиқ райони, уй бекаси.

Қобилова Ҳайри — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози ишчиси.

Камолова Сонья — Бўка районидаги «Бўка» совхози ишчиси.

Каримова Гулимқиз — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоси.

Каримова Ҳалима — Янгиобод шаҳри, уй бекаси.

Кенжаева Бувиқиз — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози аъзоси.

Қурбоналиева Бувиш — Бекобод шаҳри, уй бекаси.

Қўчқорова Нортожи — Қўйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхози ишчиси.

Мажурова Шакирмон — Оржоникидзе райони, уй бекаси.

Маматқулова Жамила — Бўка райони, уй бекаси.

Маҳмудова Зеби — Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхози ишчиси.

Минаварова Бибиниёз — Бўка районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Миржумаева Мукаррам — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз аъзоси.

Мирзаева Шарапат — Чиноз райони, уй бекаси.

Муродова Хури — Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Назарова Ҳидоят — Оржоникидзе райони, уй бекаси.

Нозимова Адолат — Янгийўл райони, уй бекаси.

Нуроқова Фотима — Чиноз райони, уй бекаси.

Пирманова Анор — Бўстонлиқ райони, уй бекаси.

Раҳимова Рисолат — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Раҳмонова Аширжон — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Рўзибоева Ханифа — Юқори Чирчиқ райони, уй бекаси.

Саъдуллаева Санобар — Оржоникидзе райони, уй бекаси.

Садирова Шамсиқамар — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози аъзоси.

Солнева Қорасоч — Янгиобод шаҳри, уй бекаси.

Санжарова Хабиба — Оҳангарон районидаги Собир Раҳимов номли совхоз ишчиси.

Соипова Фотима — Оҳангарон райони, уй бекаси.

Солнева Марҳамат — Оржоникидзе райони, уй бекаси.

Тиллахўжаева Туйди — Бўстонлиқ райони, уй бекаси.

Толипова Рамиза — Юқори Чирчиқ райони, уй бекаси.

Тўрабекова Зилой — Юқори Чирчиқ райони, уй бекаси.

Тўрақулова Майсара — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз аъзоси.

Туронова Тошбу — Юқори Чирчиқ райони, уй бекаси.

Турсунбоева Холбуви — Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси.

Убайдуллаева Мовжуда — Калинин райони, уй бекаси.

Урусбоева Ойимқул — Тошкент райони, уй бекаси.

Ўринбоева Марзия — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози ишчиси.

Ҳидирова Турди — Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози аъзоси.

Хожибоева Зуҳра — Юқори Чирчиқ райони, уй бекаси.

Холбоева Зило — Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз аъзоси.

Хошимова Рима — Оржоникидзе райони, уй бекаси.

Худойназарова Хайринисо — Бекобод шаҳри, уй бекаси.

Шокаримова Турсунбуви — Оржоникидзе райони, уй бекаси.

Эралиев Назира — Тошкент райони, уй бекаси.

Эшматова Ўғилжон — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Эшназарова Замира — Юқори Чирчиқ райони, уй бекаси.

Йўлдошева Рапиқа — Оржоникидзе райони, уй бекаси.

Йўлдошева Шарифа — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози аъзоси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:

Аҳмедова Нишона — уй бекаси.

Икромова Мукаррам — ишчи.

Қаюмова Насиба — уй бекаси.

Тошмуҳамедова Зироатой — уй бекаси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ РАИСИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ Л. БРЕЖНЕВ,

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕКРЕТАРИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1977 йил, 31 октябрь.



МОСКВА. Товушдан тез учадиган ТУ-144 совет самолёти Москва — Олмаота — Москва маршрути бўйлаб мунтазам уча бошлади. Самолёт бағрига 140 пассажирни олиб 3200 километрлик масофани икки соатда учиб ўтмоқда. Суратда: ТУ-144 Олмаота аэропортида.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ЖИТОМИР ОБЛАСТИ. Бу ердаги тўқув комбинати Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги номини олган. СССР Давлат мукофоти лауреати тўқувчи Вера Васильевна Коломиец комбинат шуҳратини оширишга катта ҳисса қўшмоқда. Суратда: В. В. Коломиецки касбдошлари янги меҳнат ғалабаси билан табриклашаётир.



ПРИМОРЬЕ ЎЛКАСИ. Совет ҳокимияти йилларида бу ўлка Узоқ Шарқнинг саноати тараққий этган районига айланди. Суратда: геологларнинг «Ильменит» экспедиция кемаси бортидан сув ости пармалаш снаряди туширилмоқда.

КИЕВ. Шаҳарда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг жангчиларига катта ёдгорлик ўрнатилган.

Б. Карзин, П. Бойко, Ю. Муравин фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

„АЛЬФА"НИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

«АЛЬФА» — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида яратилган янги дефолиант. Кейинги йилларда қатор хўжаликларда синаб кўрилган бу препарат ижобий баҳоланмоқда. У ўзининг ўтмишдошлари — бутефос, магний, хлорат ва бошқа дефолиантлардан бир қанча хусуситлари билан ажралиб туради. «Альфа»нинг афзалликлари нимада? Бу саволни шу институт умумий химия кафедрасининг проблемали лабораторияси катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ҳақиқат МИРҲАИДАРОВ қуйидагича шарҳлайди:

— Маълумки, пахта етиштиришни кўпайтириш, унинг таннархини арзонлаштиришнинг асосий омилларидан бири — пахтачиликни комплекс механизациялаштиришдир. Ҳосилни машиналар ёрдамида унумли териб олишнинг асосий агротехник омилларидан бири эса, ғўза баргини тўла тўкишдан иборат. Буни фақатгина кимёвий моддалар — дефолиантлар ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Аммо, ғўза баргини тўлатўкис дефолиантлар ёрдамида тўкиш ҳар доим самарали бўлавермайди. Бу кўпгина омилларга боғлиқдир. Бу омиллар — моддаларнинг активлиги, сепиш миқдори, вақти, ғўзаларнинг нави, ҳолати ва бошқаларга боғлиқ. Буни илғор хўжаликларнинг иш тажрибасидан, олимларимизнинг кўп йиллик илмий ишлари натижасидан билса бўлади.

Демак, ўз вақтида ўтказилган дефолиация ғўза баргини тўкиш билан бирга пишиб етилган кўсакларнинг очилишини ҳам тезлаштиради. Бу ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш ва юқори сортларга топширишга имконият туғдиради. Кейинги йилларда пахтачиликда дефолиантлардан магний хлорати ва бутефос кенг қўламда қўлланилмоқда.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, юқорида қайд этилган кимёвий моддалар ғўза баргини самарали тўкиш билан бир қаторда, маълум камчиликлардан ҳоли эмас. Масалан, магний хлорати кўпчилик ҳолларда барг, кўсакларни қуритиб қўйиб, пахта толасининг кўпроқ ифлосланишига олиб келади. Бу тола сифатини бузади. Бундан ташқари, пишиб етилмаган кўсакларни қуритиб, мажбуран очилтиради, маълум даражада ҳосил чўғига салбий таъсир этади. Магний хлоратини намликни ютиш қобилиятига эга бўлганлиги учун асраш ҳам бир мунча қийин.

Бутифос дефолианти эса анча юқори самара берадиган моддадир. Ғўза баргини тўкиш жиҳатидан унга тенг келадиган препарат йўқ, деса бўлади. Майда кўсакларни деярли қуритмайди ва пировардида ҳосил чўғига ҳам салбий таъсир кўрсатмайди. Бу моддани салбий томони шундаки, у инсон ва ҳайвонлар учун ўта заҳарлидир.

Шундай қилиб, ҳозиргача мавжуд бўлган дефолиантларнинг ҳаммасида ўзига хос камчиликлар бор. Шунга қарамасдан, улар кўп йиллардан бери пахтачиликда кенг қўлланиб келинаяпти.

Ўзбекистон кимёгарлари, шу жумладан, Меҳнат Қизил байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг умумий химия кафедраси ва кафедра қошидаги проблемали лаборатория олимлари профессор Н. Мақсудов раҳбарлигида бир неча йиллардан бери илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Изланиш давомида 2 мингдан ортиқ химиявий моддалар синтез қилиниб, улар фунгицид гербицид ва дефолиант сифатида текшириб кўрилди.

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

Янги моддаларни синтез қилишда ва уларнинг физиологик актив моддалар сифатида текширишда 60 дан зиёд илмий ходим иштирок этди.

Текширишлар натижасида янги юқори самарали бир қанча физиологик актив моддалар — дефолиантлар топилди. Шулардан бири «ТИИИМСХ — альфа» деб номланди. Бу препарат оқ тусли порошокдан иборат. Ҳидсиз, сувда яхши эриди. Таркибида заҳарли бўлган фосфор, маргумиш ва бошқа токсофор моддалари йўқ.

Тошкент Давлат медицина институтининг профессори Т. Искандаров раҳбарлик қилувчи «Коммунал гигиена» кафедрасининг текширишлари натижасида янги препаратнинг бутифос ва магний хлоратига нисбатан заҳарсиз эканлиги аниқланди. Бу модда текширишларнинг ҳамма босқичларида пахтачиликда юқори самарали дефолиант эканлигини кўрсатди. 1975 — 76 йилларда «Альфа» препарати институт экспериментал базасининг каттагина майдонида текширувдан ўтказилди. Ҳар гектар майдонга 8 килограммдан модда ишлатилди. Контроль сифатида магний хлорати ва бутифос дефолианти қўлланилди. Бунда магний хлорати гектарига 10-12 килограмм, бутифос эса 2,5 килограмм ҳисобида сарф қилинди. Дефолиация ОВХ — 14 пуркагич трактори ёрдамида ўтказилди.

Препаратлар сепилганидан сўнг тўққиз кун ўтгач, магний хлорати қўлланилган майдонларда ғўзанинг 68-75 процент барги тўкилган бўлса, бу кўрсаткич «Альфа» препарати сепилган ҳолларда эса 95 процентни ташкил этди. Текширишлар янги модда пахтанинг толасига ва ёғ моддасининг миқдорига сира ҳам таъсир қилмаганини кўрсатди.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги министрлигининг шу йилги буйруқларига асосан янги дефолиант Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг 25 дан зиёд хўжаликларида, жами 500 гектар майдонда «Тошкент—1» «108—Ф», «Қизил Равот» ва ингичка толали пахта навлари экилган майдонларда синаб кўрилди. Янги препарат олимлар, СССР ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг, партия, совет органлари масъул ходимларининг ижобий баҳосини олди.

«Альфа» препаратини ишлатишда институт ректори, Ўзбекистон ССР Беруний номидаги мукофот лауреати профессор Салим Пўлатович Пўлатов каттa ёрдам берди.

Янгиликнинг истиқболи порлоқ. Келгуси йилда «Альфа» дефолиантини ОВХ — 14 пуркагич трактори ва самолётлар ёрдамида республикамизнинг 10 минг гектар майдонида ишлатиш мўлжалланмоқда.

ОЛИС ХОТИРА

ОЧЕРК

ЁҚУБ ХЎЖАЕВИЧ ишдан барвақт қайтди. У йўлйўлакай магазинга кириб, навбатда туриб қолди. Бир киши навбатсиз олдинга ўтди. Орқадагилар гап отишди:

— Амаки, ҳамма навбат билан олиняпти-ку.

Амаки зарда қилди:

— Бас қилинглар... Сенлар учун қон кечганмиз. Фронтовикларни ҳурмат қилишни ҳам билмайби бу ношукурлар...

— Шуни бир оғиз айтсангиз-ку, олам гулистон. Орден-медаллар... Ҳаммаси ўзимизники, ҳеч ким ҳеч нарсани ўзига олмаяпти, — деди аёл.

Ёқуб Маҳмудов ҳам уруш қатнашчисининг гапларидан, миннат қилишидан ор қилди. «Тўғри, уруш даҳшатларини унутиб бўлмайди. Аммо, ҳизматларимизни пеш қилиш учун қон кечдикми? Ахир, бизнинг ўрнимизда ёшлар бўлганда, улар ҳам Ватан учун, халқ учун жангга кирмасмиди?», деб ўйлади у.

Ёқуб Хўжаевич уйга кириб келганда ҳаёллар оғушида эди. Ҳаёлида олис хотиралар жонланди.

...Уруш арафасида у 322-пиёдалар полкининг санитария хизмати бошлиғи эди. Полк уруш эълон қилинган куннинг индинига биринчи бўлиб Ватан ҳимоясига жўнади. Онаси шошиб турган Ёқубжонга «Ўғлим, лоақал ўтириб чой ичиб ол», деганда, у: «Чойни энди Берлинда бафуржа ўтириб ичамиз», деб ҳазиллашиб хайрлашди. Полкдошлар ҳам бу гапни асосий мақсад қилиб олган эдилар.

У хизмат қилаётган полк Жанубий фронт бўйлаб жангга кирди. Жанглар шиддатли, олам остин-устин, инсон ақли бовар қилмайдиган воқеалар содир бўлмоқда эди. Сухиничи яқинидаги Тихонова-Пустино районида бўлган ана шундай шиддатли жанглар пайтида жарроҳлик вазифасини ўтаётган Ёқубжон қаттиқ яраланди. Уни ҳарбий госпиталга ётқизишди. Лекин ҳарбий госпиталь жойлашган шаҳарга ҳам немислар бостириб кирди. Бир қанча ярадор жангчиларимиз асир тушиб қолди. Ёқубни Клинци ҳарбий асирлар лагерига жўнатишди.

Асир тушган киши мислсиз изтироб чекади. Бу ҳолатни ўз бошидан кечирмаган киши уни ҳеч қачон ҳис қила олмайди.

Ёқубжон Брянск область Клинци шаҳридаги ҳарбий асирлар лагерида Алексейцев деган киши билан яқин бўлиб қолди.

— Сен кўп диққинафас бўлаверма, ноумид — шайтон, — дерди у.

— Гап бундамас, ночор туткун бўлиб ётаверганимиз алам қилади. Йўлга кўз тикиб ўтираверамизми? — деди Ёқубжон.

У лагердан қочишни ўйлади. Алексейцев бир неча кундан сўнг унга Клинци шаҳар бургомистри Грецкийга учрашишни маслаҳат берди: «Боравер, қўрқма, у ўзимизники. Ҳозир лагерда ҳам, шаҳарда ҳам врач етишмайди».

Шундай қилиб, врач Ёқуб Маҳмудов бургомистр билан учрашди. Шаҳар «полиция бошлиғи» Тихомировнинг ҳам яшириш ташкилот аъзоси эканлиги, совет Ватанига содиқлиги унга кўл келди. Аммо немисларнинг ишонган шаҳар бош врачи (аслида у врач бўлмаган), сотқин Деменько ҳадеганда, унинг ишга жойлашишига унаймади. Ниҳоят, машаққатли синовлар остида Ёқубжон ҳам лагерда, ҳам шаҳар поликлиникасида ишлай бошлади. Лагерда терлама касали тарқалиб борар, очлик, ифлослик асирларнинг тинкасини қуритган эди. Ёқуб Маҳмудов бургомистр Грецкийдан асирлар учун узоқ-ёвуқ қишлоқлардан кийим-бош йиғиб келишга буйруқ беришларини илтимос қилди. Лагердагилар битлаб кетган, бунга барҳам бермай, даволаб бўлмасди. Узлуксиз оғир меҳнат, оч-юпунлик Ёқубни ҳолдан тойдирар, бунинг устига соқчи назорати остида лагерга бориб, ертўла уйга кайтиш уни руҳан эзар эди. Бу ҳол икки ойгача давом этди.

— Соқчи назорати билан ишга бориш мен учун ҳақорат, — деди Ёқуб бир куни комендантга. Шаҳарда эркин юриш ҳуқуқини талаб қилди. Узоқ тортишувдан кейин бунга кўндилар.

...Ёқуб Маҳмудов поликлиникада беморларни қабул қилиб бўлди. Сўнгги бемор жағини таңғиб олган аёл эди.

— Мен тиш доктори эмасман, кабинетимга «хирург» деб ёзилганини ўқимадингизми? — деб сўради врач.

— Қорним ҳам оғрияпти, — деди аёл.

Врач унга тегишли дори ёзилган рецепт берди. Аёл иккинчи марта келганда, унга қоғоз ташлаб кетди. «Олдингизга келган аёл ўзимиздан. Қўрқманг», деб ёзилганди унда. Ёқуб шубҳага тушди. «Балки немис айғоқчисидир», деб ўйлади у. Аёл учинчи марта раҳмат айтишга келди. Сўнг уйида бемор бор-лигини, бир кўриб қўйишини Маҳмудовдан илтимос қилди. Аёлнинг уйи яқин экан. Каравотда бир киши ётарди. У шундай қилиб, «бемор» орқали Шмякин бошчилигидаги партизан отрядлари билан алоқа боғлади. У ердан лагерь ва поликлиниканинг бош врачи Ёқуб Маҳмудовга алоҳида топшириқлар бериб турилди. Топшириқларнинг аксарияти, кўпинча номи ёзиб берилган асирларни озод қилиш йўлини топиш ёки даволаб тузатиш, сотқин власовчилардан сир олиш ва партизанларга етказишдан иборат эди. Ёқуб Маҳмудов асирларни озод қилишда Гитлернинг ўз буйруғидан фойдаланди. Фюрер кўрсатмасича, асир тушганларда сил, тутқанок касали бўлса, қўйиб юборилиши керак эди. Урушдан олдин сил касаллардан олинган қон Ёқубга кўл келди. У қонни шаҳар касалхонасидан олганди. Тайин қилинган асирларнинг қонини алмаштириб, немис врачини ишонтирди. Клинци шаҳрида концлагердан унинг ёрдами билан 270 асир озод қилинди. Улар орасида офицерлар, солдатлар, сиёсий маҳбуслар ҳам бор эди. Лагерь назоратчиси бетоб қизидан ажралишига сал қолганда, Ёқуб Маҳмудов қизни даволади. Назоратчилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатди. Муҳим сирларни, ҳужжатларни билиб олиш нақадар қийинлигини кўяверинг. Немис офицери тегишиб юрган мовий кўзли қиз — Аня совет разведкачиси эканини Ёқуб ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Кейин Аня муҳим маълумотларни унга етказадиган, Ёқуб эса тегишли кишиларга хабар қиладиган бўлди.

Бир куни Аня ранги ўчган ҳолда кириб келди. Немис офицери менга тегасан, деб гуриб олибди, қиз Ёқубдан ёрдам сўраган экан. «Мен сизни танийман, — деди у шивирлаб. — Сиз докторсиз...»

Улар тонгга яқин ўрмонга кириши. Қиз ҳам асирликдан қочишга уринибди. У ҳам «Вперёд» партизанлар отрядининг алоқачиси экан. Ўрмонга кўчиб яшаётган кишлоқ аҳолиси уларни бир ҳафта бекитди. Ўрмон ёнида дарё оқар, унинг бериги қирғоғини немислар, нариги тарафини ўзимизникилар эгаллашган эди. Дарё суви совуқ, қирғоқда соқчи бор. Бундан ташқари, қочиб қутулган 40 асирнинг кўпи сузишни билмайди. Бу ҳам дармони йўқ. Ораларида эпчил рус йигити тун ярмида сузиб, узун арқонни дарёнинг бериги қирғоғига бойлаб қайтди. Ой булут бағрига кирганда, асирлар бирин-кетин нариги қирғоққа сузиб ўтишди. Кейин партизанларга қўшилиб кетишди. У ерда сўроқлар, тафтишлар бошланди. Қўшилганлар орасида Ёқубни сотган кимса ҳам бор эди. «Мени доктор Маҳмудов яхши танийди», дебди у командирга. У ўзининг сотқинлигини доктор Маҳмудов билишидан бехабар эди. Доктор уни «яхши» таниди. Сотқин отиб ташланди. Ёқубни касалхонага ётқизишди. Согайган куни уни генерал қабул қилди:

— Хўш, сени қаерга юборайлик?

— Ўз полкимга, — деб жавоб қилди у.

Харбий врач Ёқуб Маҳмудовни Калинин шаҳри аҳолиси шу қадар тантана билан кутиб олдики, унинг кўнгли бўлинди. Ёқуб ўзини сотган кимса ҳам бор эди. «Мени доктор Маҳмудов яхши танийди», дебди у командирга. У ўзининг сотқинлигини доктор ўлдига чиқарган эдик, — деди у. — Энди сени ҳеч қаёққа қўйвермаймиз. Отамни эса отишган...

— Лида, жоним, хафа бўлма, биз Тошкентдан чиққанда, Берлинда чой ичмагунча қайтмаймиз, деб сўз берганмиз, — деди у жиддий.

Ёқуб Маҳмудов сўзининг устидан чиқди. У Вязьма, Гомель, Бобруйск, Брест, Варшава шаҳарларини озод қилишда, Берлин учун бўлган машаққатли жангларда қатнашди.

Ана шу оғир жангларда иштирок этганлиги учун Қизил Юлдуз ордени ва ўнлаб медаллар билан тақдирланди. Ўтган бу жанглар воқеаси бир умрга татигулик. Аммо унинг учун энг қувончли воқеа — 1945 йил 2 май куни бўлди. Уларнинг полки Берлинга кирганда, Ёқуб Маҳмудов чой тоғиб келди. Харбий госпиталда жанговар дўстлари билан чойхўрлик қилди. Ана шу Берлинда ичилган бир пиёла чой замирида қанча ғоя, машаққатли воқеалар, қурбонлар, ғалабалар бор эди...

Ёқуб Хўжаевич бир зум тин олиб, деразага қаради. Ташқарида қор учқунларди. Шу вақт Брянскдаги қизи — Галя Спасскаяни эслади. Ёқуб Маҳмудов уни уруш йиллари боқиб олган, кейин йўқотиб қўйган эди. Улар бурноғи йили бир-бирларини топишди. Галя оралан ўттиз йил ўтгач, Ёқуб Маҳмудовнинг уйига меҳмон бўлиб келди. Ўшанда, кейин бир журналист унинг сўзларини магнитофон лентасига ёзиб олган эди. Ёқуб Хўжаевич эсдалик сифатида бу лентани асраб қўйган. Негадир шу топда у Галянинг товушини эшитгиси келди. Ғаладондан лентани қидириб топди:

— Уруш бошланганда, — деб ҳикоя қиларди Галя ҳаяжон билан, — отам фронтга кетди. Ўша йилнинг ўн тўқизинчи августида биз яшаётган Клинци шаҳрини немислар босиб олишди. Онам 1943 йилнинг 19 июнида бомба портлашидан ҳалок бўлиб, опам Зоя билан иккимиз қаровсиз қолдик. Отамнинг собиқ ўқувчиларидан бири Лидия Резунова, ҳозирги кунда Ёқуб Хўжаевичнинг хотини — Лидия Ивановна Маҳмудова дугонаси билан бизиннкига келди. Бобомнинг розилиги билан опам Зояни Лидия уйига олиб кетди. Мени эса бегона оилага топширди. Оёқларанг ҳолда сигир соғаман, ўрок ўраман. Оёқларимга тикан кириб, яраланиб, юра олмай қолдим. Охири қочиб опам турган уйга бордим. У ерда она ўрнини ўтаётган Лидиянинг кўриб, йиғлаб юборай дедим. Ёқуб Хўжаевични эса у ерда немислар формасида кўриб, тилим танглайимга ёпишиб қолди. Ўшанда отам фронтда эканини у билмасин деб қўрқувда эдим... Ўша йилларда етим қолган болаларни Германияга ҳайдаб кетаётганини, Ёқуб Хўжаевич бизни атайлаб ўз боқувига олганини билмас эдик-да. У мекинг йиғирилган оёғимни даволаб, шу ерда қолишимни таклиф қилганида, роса ҳайрон бўлгайман. Ҳали ҳам эсимда: у ишдан эзилиб, ҳорғин қайтарди. Ўз жонини хавф остига қўйиб, рус болаларини — бизни ўз фамилиясига ўтказиб қўйди. Бу бизни ўлимдан қутқазишдек гап эди. Бир куни мен тасаввур қилмаган мудҳиш воқеа юз берди. 1943 йилнинг 12 сентябрида Зоянинг тўғилган куннинг нишонлаб турган пайтимизда, доктонни, Лидиянинг отаси Иван Степанович Резунов ва акаси Леонид билан биргаликда қамоққа олишди. Биз ўша куни тун билан ухламадик. Немислар итлар билан келишди. Уйларимизни тинтув қилиб кетишди. Тонг саҳарда уйга ўлгудек калтакланган йигитни олиб келишди. Кейинчалик Ёқуб Хўжаевичдан билсам, фамилияси Бушгяк экан. У қийноқларга чидай олмай, доктор Ёқуб Хўжаевични сотиб қўйганди. Эрталаб қўшнилар бизни тезда узоқ қариндошларимизникига жўнатишди. Чунки партизанлар билан алоқа қилганлар шафқатсиз жазоланарди. Шундан сўнг, биз ҳар томонга тўзғиб кетдик.

Кейин уруш охирида отам бизни топиб, Саратовга олиб кетди. Саратовдан Клинцига кетганимизда эса Ёқуб Маҳмудов хотини Лидия билан дом-дараксиз йўқолган эди. Тасодифан бир кишидан эшитдим: доктор немислар томонидан вахшиёна калтаклаб, ўлдирилган эмиш. Йиллар ўтди. Тақдирнинг тақозоси билан доктор яшаган кўчага кириб келдим. Ҳар куни эрталаб, ишга боришдан олдин, балконга чиқсам, қайнисор орасидан шамол ва довулларга дош бериб турган мўъжаз, таниш уй кўриниб, ўтган йилларни, меҳрибон врачни, Лидияни ёдга солади.

(Давоми 4-бетда).

Тошкентда Чехословакиянинг қаҳрамон фарзанди Юлиус Фучик хаётига бағишлаб уй-музей очишга қарор қилинди. Суратда: ўттизинчи йилларда Юлиус Фучик билан бирга Ўрта Осиёга келган Александр Бочкарев ва ушинг турмуш ўртоғи Надежда Георгиевна ўзларининг дўсти ҳақидаги материалларни уй-музейга тайёрламоқдалар.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

ОЛИС ХОТИРА

(Боши — 3-бетда).

Билим юртида ишлаб турганимда, ВЛКСМ Марказий Комитети қошидаги ҳарбий ватанпарварлик тарбияси штаби бошлиғининг ёрдамчиси келиб, тарих тўғарагимизга изқуварлик ишини таклиф қилди. Бу эса босиб олинган Клинци шаҳрида ишлаган бир врач ҳақида эди. Энг қувончли ва ҳайратлиси шуки, бу врач — Маҳмудов эди. Қувончимнинг чеки йўқ. Ҳар ҳолда ўша афсонавий одам ўлмаган эди... Мен бу одамнинг камтарлиги ҳақида гапирмай ўтолмайман. Чунки у ўз умрини, бутун кучини олижаноблиққа бағишлаб келяпти. Бу унинг учун оддий ҳодиса, зарурият, бурч. У мендан хат олгач, Москвадан туриб Клинцига қўнғироқ қилибди. Мен йўқ эканман. Отпускам тугаган бўлишига қарамай, уни кўришни ният қилиб Тошкентга келдим. Ахир, ўттиз икки йилдан сўнг, қадрдон одаминг топиладию... Мана, охири келдик. Энди, отамнинг Брянскда азиз меҳмонимиз бўлишини орзиқиб кутамиз.

Еқуб Хўжаевич магнитофонни ўчириб қўйди. Ўтган ёзда у ҳам брянскликларнинг азиз меҳмони бўлган дамларини эслади. Энтикиб кетди. Олис хотира билан қайта учрашув қанчалик оғир... У ўзи кутқазган асирлар билан, жумладан Владим Силич Алексейцев билан учрашганда беихтиёр йиғлади, ўзи ётган камера ва лагерь ўрнини кўрганида қалбини ғалати ҳислар чулғаб олди. Брянск областининг ҳамма бурчагида собиқ партизан, коммунист Еқуб Маҳмудов ва хотини Лидия Ивановнани катта ҳурмат-эҳтиром билан қаршиладилар. Эсдалик мукофотлар беришди, область радиосидан, газетадан мухбирлар келиб, интервью олишди... Буларнинг ҳаммаси кечагидек эсимда.

ЭРТАЛАБ қорли йўлакдан сочлари оқ, ёши етмишга яқинлашган бир киши вазмин қадам ташлаб борарди. Олой бозорининг рўпарасидан ўтиб, худди ёшлардек дадил юриб кўп қаватли бинога кирди. Бу бино — Ортопедия ва травматология илмий-текшириш институти. Еқуб Маҳмудов шу институтнинг экспериментал хирургия лабораториясига ўн йилдан буён раҳбарлик қилиб келади. У бунга қадар ўз тажрибасини ошириш учун турли касалхона ва илмий текшириш институтларида ишлади. Йиллар мобайнида олиб борган тажрибаларига, текширишларига асосланиб, 1967 йилда биринчи бўлиб «Ўрта Осиё шароитида консервацияланган қонни кўплаб тайёрлаш» деган мавзуда диссертация ёқлади. Ҳозир у раҳбарлик қилаётган лабораторияда 3 та докторлик ва 11 та кандидатлик диссертациялари ёқламоқда. Еқуб ака бу ишларнинг ҳаммасига бевосита раҳбар. У жамоат ишлари, коллектив ташвишлари билан яшайди. Инсон ҳамиша ҳаёт ташвиши, қувончи билан тирик. У бу ҳикматни фарзандларига доим таъкидлаб келади. Рафиқаси Лидия Ивановна эса ҳозир беш фарзанднинг онаси. Еқуб ака билан ёнма-ён кўп йиллар рентгенолог бўлиб ишлади. Фарзандлари Сандбурхон — инженер, Санъат — медицина фанлари кандидати, Лутфия — болалар врачи, Тамара — филолог. Кичик қизлари — Лола Политехника институтининг толибаси. Ёдгор ҳадемай мактабга боради

Еқуб Маҳмудовнинг осойишта кунлар қўйнида қилаётган эзгу ишлари ҳақида кўп тўхталмадик. Бу ишларни у ўзининг гражданлик бурчи деб ҳисоблайди. Зотан, шифокорнинг осойишта, осуда кунлари бўлмайди. Еқуб ака жангу жадал кунларидагидек, ўз постида ҳамон сергак.

Нодир НОРМАТОВ.

ЖОНИВОРЛАР ҲАЁТИДАН

Ҳайвонлар ва қушлар номатлуб шароитга тушиб қолишса ҳам яшаш, насл қолдириш учун керакли бутун чораларни кўрадилар. Расмий маълумотларга кўра Японияннинг Кюсю оролида заҳизғоналар электр симларига уя қурмоқдалар. Заҳизғонлар одатда уя қуриш учун баланд дарахтларнинг учини танлашади. Аммо кейинги йилларда перефектурадаги кўпгина довдарахтли участкалар анча сийраклашиб қолди. Баланд дарахтлар қариб қолмаганлигидан паррандалар электр симларининг устунларига «кўчиб ўтишга» мажбур бўлди. Заҳизғонлар шох-шаббо билан бирга симдан ҳам «қурилиш материали» сифатида фойдалана бошладилар. Шунинг натижасида электр симларининг туташиб қолиш ҳодисалари рўй беряпти.

Францияда сув ичмайдиган қўйлар бор. Уларнинг сутидан тайёрланган пишлоқлар ниҳоятда мазали бўлади. Буни билган чўпонлар қўйларни сира суғоришмайди. Чунки қўйлар сув ичса сутининг мазаси кетиб, жуни дағал, гўшти эса қаттиқ бўларкан. Қўйлар ўз организми учун зарур бўлган суюқликни шу ерларнинг сўлим ўтларидангина олиш билан қаноатланар экан.

Ҳаёт тақозоси билан бойқуш, саксак, укки кечаси тирикчилик қилади. Бинобарин, улар кундузига қараганда тунда яхши кўрадилар, яхши эшитадилар. Бойқуш асосан зараркунанда ҳашаротларни, шу жумладан йирик қўнғизлар, чигирткаларни ва кемирувчиларни ейди. Саксак тунги капалак, қўнғиз ва сичқонлар билан озиқланади. Укки эса юмронқозиқ, қаламуш ёки айрим қушларга ҳужум қилади. Шундай қилиб, бойқуш, саксак, укки халқ хўжалигининг тунги ва зийрак посбонидирлар.

Тоғ чумчуқ дарахт пўстлоғидаги тешикка мос чўп топиб, кўтариб келади-да, ўша жойни кавлашга тушади. Безовта бўлган ҳашаротлар кўзғалишар эканлар чумчуққа дарров ем бўладилар.

Қаркара ховузга хўрак ташлаб балиқнинг чиқишини кутиб туради, кўриниш биланоқ ҳамла қилади.

Нафс масаласи жониворларни тадбиркор ва ҳийлакор қилиб кўяди. Табиатшунос Роза Собирова қарға чағалай тумшуғидан балиқ тортиб олганини кузатган. Қалин бута-зорда бир тулки вақти-вақти билан осмонга сакраб, одамларни кузатиб турган.

...Ҳамма ёғига итпашша ёпишиб роса чақаётган бир тулки, нима қиларини билмай, у ёқдан-бу ёққа югурарди. Бир вақт қаёқдандир бир парча пўстак топиб олди-да, оғзида тишлаганича анқор томон югурди. Ўзини сувга отиб, аста-секин орқа томони билан чўка бошлади. Шу вақт итпашша сувдан қочиб, тулкининг оғзидаги пўстак парчасига ўта бошлади. Тулки тумшуғигача сувга ботиб улардан қутулганига ишонч ҳосил қилгач, пўстакни ташлади ва ўзи шўнғиб, 2-3 метр наридан чиқиб ўз йўлига кетаверди.

З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
З. ЭГАМБЕРДИЕВ.

ПОСТДА

(СОЛДАТ ЕНДАФТАРИДАН)

Ҳизматимнинг иккинчи йили эди. Соқчилик навбати менга келиб қолди. Қоровул бошлиғи лейтенант Йўлдошев йўлбошчилигида соқчи билан биргаликда ҳамма муҳим жойларни кўздан кечириб, барча нарса жой-жойида эканлигига ишонч ҳосил қилгач, постни қабул қилдим.

Мен учун икки соатлик сукунат дунёси бошланди. Атроф жим-жит. Ахён-ахёнда булутлар орасидан ойнинг ҳира шуъласи сочилади. Булут тобора қуюқлашиб, тун янада қоронғилашди. Мен ўзимни кимсасиз оролга тушиб қолган Крузо каби ҳис эта бошладим. Қўрқувга ўхшаш қандайдир туйғу қалбимни қамраб олди. Лекин ортимда буюк Армиям, буюк халқим борлигини ўйлаганимда бу қўрқув йироқдаги поёнсиз ўрмон қаърига ёшириндандай бўлдим. Энди сергакланиб, атрофга зийраклик билан нигоҳ ташладим.

Ёмғир ёғишидан олдин эсувчи салқин шамол янада кучайди. Биз қўриқлаётган объектни ўраб олган ўрмон ва сойликлардан келаётган турли товушлар тунда ваҳимали эшитилади. Мен ҳар бир шарпа, ҳар бир товушга алоҳида аҳамият бера бошладим. Бирдан анча наридаги майда буталар орасида қандайдир қора шарпа кўрингандай туюлди. Бутун вужудим билан ўша томонга тикилдим. Шарпа борган сари катталашарди. Негадир юрагим тез-тез ура бошлади. Ахир бу ерда муҳим нарсани қўриқлаяпмиз. Ким экан у? Балки мени текшириш учун келаётган қоровул бошлиғимикин. Балки ўрмондаги ҳайвонлардан бири овқат излаб юргандир. Еки бирон ғаламис... Ким ва нима бўлишидан қатъий назар уни постга яқин йўлатмаслик керак. Мен қатъий қарорга келиб, автоматни шарпа томон тўғриладим. Қора қўланка ғойиб бўлди. Ким билсин, ерга ётиб олгандир ёки эмаклаб келаётгандир. Шу пайт ёмғир бирдан йириклашиб, шиддат билан ёга бошлади. Эгнимдаги ҳарбий дала формасидан ёмғир ўтса ҳам ёнимга осиб олган плашимни киймадим. Кўзим буталар томонда. Ҳар чақмоқ чақканда шунча тикилсам ҳам ҳеч нарсани илғаб бўлмади.

Қора шарпа тўсатдан яна пайдо бўлди. Энди у менга анча яқин эди. Одамлиги аниқ. Келяпти. Мен тезлик билан автоматни отишга тайёрлаб қичқирдим: «Тўхта! Ким келяпти!». У бир оз тўхтади, лекин буйруғимга бўйсунмай яна юришни давом эттирди. Мен яна «Тўхта, отаман!» деб буйруқ бердим. Тўхтамади. Шундан сўнг осмонга қараб ўқ уздим. Ўқ қипқизил из қолдириб, тун қаърини тилиб кетди. Нотаниш кишн ўзини ерга ташлади. Мен унга ўрнидан туриб, қўл қўтаришини буюрдим. Бу сафар айтганимни сўзсиз бажарди. Мен унга яқинлашдим-да, фонарни ёқиб юзига боқдим. Қаршимда бир оз оқарин-қираган қоровул бошлиғи турарди.

— Э, сизмисиз ўртоқ қоровул бошлиғи, — дедим, — пешонадаги терни бармогим билан сидиратуриб.

— Нега отга ўхшаб пишқирасан. Ё кўрқдингми? «Душман»инг фақат биттаку. Агар кўп бўлганда...

— То сўнгги қоним қолгунча уларни яқин йўлатмасдим. Фақат бир оз ҳаяжонландим,—дедим, унинг сўзини бўлиб.

— «Душман»ни зап қўлга туширдинг, қара, қийиларим расво бўлди, — деди Йўлдошев лойга беланган панжалари ва тиззаларини кўрсатиб.

Мен кулиб қўя қолдим.

— Хизматни давом эттиравер, синовдан ўтдинг, — Йўлдошев шундай деди-да, кейинги постларни текшириш учун кетди.

Эртасига нонуштадан сўнг учинчи батальон солдатлари полк майдонига сафланди. Комбат билан саломлашганимиздан сўнг у менинг номимни айтиб чақирди. Чиқдим.

— Постни зийраклик ва жасорат билан «душман»дан қўриқлаганлигинг учун ёзма равишда ташаккурнома изҳор қиламан ва навбатдан ташқари отпуска бераман.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан! — дедим, жойимга борib турдим. Ҳаяжонланаётганлигимни

Ҳасан ЭРГАШЕВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ОБУНА ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?

ЖАМОАТЧИ ЙИГИТ

АЛИМҚУЛ Тўйчиев 22-ўрта мактаб педагоглари орасидаги ёш, сергайрат ўқитувчилардан. Жамоатчи йигит мактабдаги 26 ўқитувчи ва 350 дан зиёд ўқувчини 500 нусхага яқин газета ва журналларга обуна қилди. Обуна қилиш суммаси 670 сўмдан ошиб кетди. Ўқитувчилардан Т. Умматов, О. Хўжанов, Т. Умрзоқовлар барчага ўрнак бўлиб 6—7 нусхадан газета-журналларга ёзилишди.

Бунинг барчасида ёш коммунист, актив жамоатчи А. Тўйчиевнинг муносиб ҳиссаси бор.

М. РЎЗИМАТОВ,
Бекобод райони.

ГАЗЧИ ГАЗЕТХОНЛАР

Бекобод районидаги «Далварзингаз» идораси ҳодимлари ҳам газета ва журналларга қизиқиб обуна бўлаётирлар.

Н. Аҳмадалиев, Х. Қолиров, Р. Нурматов, Л. Ким, Д. Қамбаралиевалар «Совет Ўзбекистони», «Тошкент ҳақиқати» «Гулистон», «Фан ва турмуш», «Саодат» каби газета ва журналларга обуна бўлишди.

З. ЮСУПОВ.

ОБУНА ТУГАЛЛАНДИ

Ф. ЭНГЕЛЬС номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти студентлари 1978 йил учун газета ва журналларга обуна бўлишни тугаллашди. Айниқса немис тили факультети студентлари бошқа факультет студентларига ўрнак бўлишди. Улар «Ёш ленинчи», «Комсомольская правда», «Комсомольская жизнь», «Ўзбекистон физкультурачиси» ҳамда ГДРда чиқадиган газета ва журналларга обуна бўлишди. А. Давронов, С. Нарчаев, М. Жавбўриев, Р. Хотамов ва И. Эргашев каби студентлар 10 — 15 сўмлик газета ва журналларга ёзилиб бошқаларга ўрнак бўлдилар.

Факультет бўйича обуна суммаси 7 минг сўмни ташкил этди.

Ў. ИНОМОВ,
студент.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

ОҚҚЎРГОН районидаги Ҳамид Олимжон номли 13-ўрта мактабнинг педагогика коллективи газета-журналларга обуна бўлишни район мактаблари орасида биринчилар қаторида бошлаб юборгандилар.

Улар 400 сўмликдан ортиқ «Совет Ўзбекистони», «Ўқитувчилар газетаси», «Қишлоқ ҳақиқати» каби газета ва «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Саодат», «Гулхан», «Ғунча» каби журналларга обуна бўлишди. Айниқса Тошқул Ашуров, Раъно Қосимова, Амирхон Алихонов сингари педагоглар бошқаларга намуна бўлишди.

Шунингдек, Низомий номли, Гоголь номли, Улуғбек номли, Калинин номли, Ҳамза номли, Ломоносов номли 11-ўрта мактабларда ҳам обуна тугалланай деб қолди.

Т. ЗОКИРОВ.

Бошдан сочқи сочгандай
Олтин яп-роқ сочар куз.
Куз китобин очгандай
Хайрон боқар ўғил-қиз.

Яп-ял ёнган ҳар яп-роқ
Куз китобин варағи.
Осон эмас ўқимоқ
Жамдир дунё жумбоғи.

Х. Мирзакаримов фотоэтюди.

ОТАРЛАРДАГИ ЧЕМПИОНЛАР

Чиноз районидаги Жамбул номли совхознинг отарлари узоқ Қизилқум чегараларига бориб тақалади. Бу ерларда бўлсангиз чорвадорларнинг меҳнати ва ҳаёти билан танишгач, улар ҳамма нарсага — ишлашга ҳам, ҳордиқ чиқаришга ҳам, бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларига ҳам ишонч ҳосил қиласиз. Сержун, зотдор чорва молларини кўпайтиришда совхоз аҳли коллективи йил сайин яхши натижаларга эришиб келмоқда.

Ана шу иноқ ва аҳил коллективда спортни ҳам жондилдан севадиганлар кўплаб топилади. Бу ишга спорт жонкуяри бўлган зоотехник-селекционер Шерали Мусиров бошчилик қилмоқда.

Совхоз маъмурияти, партия ташкилоти ва ишчилар комитетининг катта ёрдами ҳамда доимий ғамхўрлиги туфайли хўжаликда спортчилар сони ортиб бормоқда, янги-янги тўгараклар ишга туширилмоқда.

Тўгаракларга спортчиларнинг ўзлари жамоатчилик асосида бошчилик қилишмоқда. Гараж мудири Сафар Боянов волейболчилар командасига раҳбарлик қилади. Шоферлар Иноммали Бўрибоев, Абдумутал Бердимуҳамедов ва механик Курбон Салимбетовларни чорвадорлар бизнинг чемпионлар дейишади. Совхоз спортчилари қўшни хўжаликлар билан ўртоқлик учрашувларини ҳам уюштириб туришади. Яқинда эса Калинин районидаги Охунбобоев номли ихтисослашган қўйчилик совхози командаси билан куч синашишди. Унден аввал эса қардош Чимкент областининг Чордарё районидаги «Юбилей» совхози командасини қабул қилиб 3:2 ҳисобида ғолиб келишди.

Совхозда миллий курашни ҳам севадиганлар кўп. Полвонларга Шерали Мусировнинг ўзи бошчилик қилади. Кассир Алишер Есинхонов билан механизатор Раваоч Саидбековларни полвонлар баҳсида тез-тез учратиш мумкин. Чорвадор чемпионлар Бухоро ва Олмаотада қишлоқ спортчилари иштирокида ўтказилган мусобақаларда иштирок этишиб, биринчи ва иккинчи совринли ўринларни қўлга киритдилар.

Бу ерда миллий спорт турларидан бири бўлган чавандозлик ҳам кадрланади. Шофер Хонихон Муротов, катта чўпонлар Жасузоқ Аҳмедов, Убайдулла Асанов, ғаллачилик бригадаси бошлиғи Қолдибой Абдурашидовларга от суришда тенг келадигани йўқ.

Совхозда футбол, шахмат, стол тенниси, оғир атлетика, қиличбозлик ва бошқа турлар бўйича секциялар ишлаб турипти. Спортчилар ўз кучлари билан футбол майдонини барпо этишди. Спорт комплекси бунёд этилмоқда.

«Олимпиада ҳамма учун». Совхоз спортчилари барча мусобақаларни ана шу шиор остида ўтказишмоқда.

В. УРИЦКИЙ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

1978 йил учун «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига обуна давом этмоқда

Обуна барча алоқа бўлимларида, корхона ва қурилишлар, колхоз-совхозлар ва муассасаларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Газетанинг уч ойлик обуна баҳоси 1 сўм 32 тийин, олти ойга — 2 сўм 64 тийин, бир йилга — 5 сўм 28 тийин.

«Тошкент ҳақиқати»га ўз вақтида обуна бўлишни унутманг!

ЛАУРЕАТ КИТОБЛАР

«Фан» нашриёти чиқарган «СССР Конституцияси» ва «Шоирлар-олимлар Ленин ҳақида» китоблари юбилей йили нашрларининг Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ виставкаси-конкурсининг лауреатлари бўлди.

Тошкент «Фан» нашриёти коллективи томонидан рус ва ўзбек тилларида оператив равишда чиқарилган мамлакат Асосий қонунининг янги тексти чиройли, жажжи китобча шаклида безалган. Кичкина ён дафтар шаклида безаб чиқарилган «Шоирлар-олимлар Ленин ҳақида» тўплами ҳам ана шундай баҳога сазовор бўлди.

Ўзбекистон нашриётлари юбилейга атаб чиқарган китобларининг саккизтаси виставка дипломини олди.

(ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

ҲАММА

АБОНЕНТЛАРДАН

Кундуз куни уйлар, ҳовлилар, магазинлар, муассасалар ташқарисидаги электр чироқларини ўчириб қўйишни ҳамда муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртлари ва магазинларнинг ичидаги чироқларни иш вақти тугагандан сўнг ўчириб кетишларини

СУРАЙДИ

Кундуз куни ташқи ёритиш чироқларини ўчириб қўймаслик огоҳлантиришсиз электрни узиб қўйишга олиб келади.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Янгиликлар. 9.10 — Гимнастика. 9.30 — «Революция туфайли туғилган» (бадиий фильм, 6-серия). 11.00 — «Ҳайвонот оламида». 15.30 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — Монументчи рассомлар ижоди. 17.00 — «Звездочёт». 17.45 — «Москволикларнинг ишчи нафолати». 18.15 — «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Мультфильм. 19.20 — «Жасорат». 20.00 — Балетдан сюита. 20.25 — «Революция туфайли туғилган» (бадиий фильм, 7-серия). 22.00—«Вақт». 22.30 — «Дўстларимиз чехраси». 23.15 — Ҳужжатли фильм. 00.10 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — С. Есенин ижодида Ватан мавзуи. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 —Адабиёт. 13.00 — «Нафосат» (бадиий фильм). 18.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.00 — Хирургларнинг республика конференцияси олдидан. 19.30 — «Сельская жизнь». 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Коммунист ҳақида қўшиқ. (адабий-драматик композиция). 21.00— «Ахборот». 21.20 — «Рақслар гулдастаси». 21.50 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — «Лев Гурич Синичкин» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — «Ганг дарёсининг қизи» (бадиий фильм), 20.15— Ўқитувчи экрани. 20.40 — Янгиликлар. 21.00 — Олий математика.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23|XI да **Чио-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22|XI да **Келинлар кўзғолони,** 23|XI да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23|XI да **Жон қизлар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22|XI да **Бадбашара ёхуд Эзоп,** 23|XI да **Тинмасин соз.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Синдбоднинг еттинчи саёҳати** (катта зал), **Олтин безган** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Уз фикри — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Синдбоднинг еттинчи саёҳати — НАВОИЙ номли, ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Хавфли қувиш — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Фонтан олдида учрашамиз— «ИСКРА» (19.30).

Севги риштаси — Г. ҒУЛОМ номли (17, 20.00).

Яншанба туни —«ТИНЧЛИК» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»).
Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета народных депутатов.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 ✱ ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.

Р—21084. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64584. Г. 1741.